UZA | O‘zbekiston Milliy axborot agentligi

O‘zbekiston Milliy axborot agentligi
O‘zA Ilm-fan bo‘limi

Elektron jurnal
2022 yil dekabr soni №12 (38)

Toshkent-2022

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр
2022 йил ноябрь ойи сони №12 (38)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎзА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microcoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Ҳусанов
Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

2022 йил декабрь сони №12 (38)
Муаллиф ушбу мақолада муаллифлик ҳуқукини сақлаб қолади
https://uza.uz/uz

ЭР ВА ЭРАН СЎЗЛАРИ: МАЪНО ВА ТАЛҚИН

Насиба ЖЎРАҚУЛОВА
таянч докторант
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти
Тошкент, Ўзбекистон
Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация

Эр, эран лафзи бадиий адабиётда мукаммал хулқ соҳиби, комил инсонга нисбатан қўлланадиган энг асосий номлардан биридир. Мазкур мақолада эр сўзининг тарихий илдизи, истилоҳ ўлароқ маънолари ҳамда бадиий адабиётдаги асосий хусусиятлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: эр, эран, комил хулқ соҳиби, мардлик, муқаддас, илоҳий, ҳуррият, ўгит айтувчи устоз.

СЛОВА ЭР И ЭРАН: ЗНАЧЕНИЕ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

Насиба ЖУРАКУЛОВА
базовый докторант
Институт узбекского языка, литературы и фольклора
Академии наук Республик Узбекистан
Ташкент, Узбекистан
Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация

Слова эр и эран в художественной литературе олицетворяют гармонично развитую личность. В данной статье подвергнуты подробному анализу исторические корни, содержание, а также основные свойства слова эр в художественной литературе.

Ключевые слова: эр, эран, гармонично развития личность, мужество, священное, божественное, свобода, нравоучение.

Маълумки, Эр ва Эран мумтоз шеъриятда энг қадимий ҳамда туркона руҳни ўзида мужассам қилган образлардан ҳисобланади. Эр калимаси жонли сўзлашувда, асосан, оила бошлиғи, эркак киши, жинс маъносида ишлатилади. Ўтмиш адабиётда эр етук инсон, эл-юрт ҳимоячиси ҳамда куч-қувватга тўла йўлбошчи мазмунларини ифодалайди. Яъни мумтоз бадиий матнлардаги эр ва эран тимсолининг маъно қамрови нисбатан кенг: мардлик, ғайрат-шижоат, сабр-қаноат, ҳилм, тақво, таваккул ҳамда ризо каби фазилатлар соҳиби ҳақиқий эр ва эрандир.

Эр сўзининг бадиий образ сифатида шаклланиши туркий қавмларнинг ўзига хос характери, кундалик турмуш маданияти, ишонч-эътиқодлари билан узвий боғлиқ. Улуғ тилшунос ва элшунос олим М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида Турк калимаси “Тангри ёрлақагур”, деб изоҳланган. Шу

билан бирга, турк деганда кўркамлик, ёқимлилик, одоблилик, аҳдига содиқлик, дадиллик, камтарлик каби маънолар ҳам англашилган. Эътиборлиси, тарихдаги илк туркий сулола – Аршакийлар сулоласининг асосчиси Аршак исми – Эр сакнинг ўзгарган кўриниши бўлиб, жасур, мард, баҳодир саклар деганидир [1;62]. Туркий тиллардаги муайян сўзлар этимологиясига тўхталган таниқли олим М.Сейидовнинг ёзишича, эр// ар// ир// ыр// сўзи кўплаб жой, қабила, халқ номлари таркибида келади: авар, мачар, гачар, габар ва бошқа туркий тилларда эр – инсон, киши, раҳнамо, соф, муқаддас, илоҳий каби маъноларни ҳам билдирган[16;108]. Турк олими Абдулкадир Инан VII-VIII асрларда, яъни Кўк турклар сулоласи даврида туркийлар ўзлари ишонган илоҳ суратини ясаб, уйларида сақлаганлари ва йилнинг тўрт фаслида унга атаб қурбонликлар қилганини ёзади. Бу илоҳларнинг бир қисми турли ҳайвон териларидан ясалган ва уй деворларига осиб қўйилган. Мана шу инонч туркий қавмларда турли номлар билан аталган. Жумладан, ёқутларда “тана”, мўғулларда “онгон”, тува, уранликларда “эран” дейилган [15;59]. Туваликларда эса барча эзгу руҳларга эранлар дейилган [3;168]. Умуман, эр ва эран қадимги даврлардан бошлаб туркий халқлар орасида муқаддас руҳ, ҳомий, улуғворлик рамзи саналган.

“Оғул – ўғил; ўз ўғли бўлмаса ҳам эр болаларига ўғил дейдилар. Қоидага хилоф равишда эран сўзига ўхшаш ўғлан деб ҳам жам қиладилар. Аслида бу сўзнинг кўплиги оғуллар бўлиши керак эди” [8;103]. Маҳмуд Кошғарий эрликни мардлик, эрлашди сўзини эса мардликда баҳслашишди, дея изоҳлайди: Olar ikki ərlaшdi (улар иккиси мардликда баҳслашишди) [8;242]. “Девону луғотит турк”да кўрсатилишича, эркак сўзи инсонларга эмас, ҳайвон ва паррандаларнинг кучли вакилига нисбатангина ишлатилади [8;135]. Таниқли олим А.Рустамов ҳам эр ва эркак сўзларининг фарқини изоҳлар экан, Кошғарий фикрига яқин маълумот беради: “Баъзан эрлар кийимини “эркак” сўзини нотўғри тушуниш натижасида “эркаклар кийими” дейилади. Бу тўғри эмас, албатта. Чунки ўзбек адабий тилида “эр” сўзи инсонга ва “эркак” сўзи ҳайвонларга нисбатан ишлатилади. “Эр” сўзи хотиннинг, “эркак” эса “урғочи”нинг, “мода”нинг зиддидир. “Эркак” сўзи баъзи хотинларнинг нутқида эрни камситиш мақсадида ёки уялиб, тортиниб тилга олиш натижасида эрга нисбатан ишлатилади. Буни ҳисобга олиш керак ва “эркак” сўзини инсонга нисбатан ишлатмасликка ҳаракат қилиш лозим” [6;127].

“Девон”да эран – ўгит айтувчи устоз, таълим-тарбия берувчи мураббий қиёфасида ҳам гавдалантирилган:

Erdiozaeranlar, erdambegibiligtag‘,

Aydio‘kuso‘gutlar, ko‘nlumboluranar sag‘.

Маъноси: Илгари илм чўққисини эгаллаган, фазилат устодлари бор эди. Улар кўп-кўп насиҳат сўзлар эдилар, (ўша хотиралар) кўнгилга ҳузур бағишлайди [8;110].

Эр, эран мумтоз адабиётда инсонийлик ва комиллик рамзи ҳамдир. “...Туркий ёзма ва оғзаки адабиётдан эр, эран, алп эран, ғайб эран образлари четга сурилса, унинг нафақат миллий-тарбиявий, балки умуминсоний моҳияти ҳам кучсизланиб, ҳатто маҳдудлашиб қолади. Улар тилга олинганда, мумтоз шеъриятдан мардлик, матонат, ҳикмат, жасорат каби боқий ҳақиқатлар ёришиб, ёлқинлашиб келгандай туюлади” [10].

Образ ва тимсолларнинг юзага келиши адабиётнинг ўзига хос тамойиллари, қолаверса, ижодкор дунёқарашининг индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқ. Зеро “образ мундарижаси ҳамиша руҳ ва қалб ҳақиқатини ифодалайди” [10;137]. Фикримизча, тасаввуфий адабиётда эр ва эран номининг маънан пок зотларга

берилишига яна бир изоҳни Қуръони каримдан топамиз. Унда шундай оят бор: “Аёлларга нисбатан эркакларда бир даража зиёдалик бор” (Бақара, 228). Тафсирларда бу “зиёдалик” пайғамбарлик, халифалик, жисмоний куч-қувват, оила нафақасига масъуллик, ақлу идрок, хотира ва тафаккурнинг зиёдалиги, имом-хатиблик, муаззинлик, жума намозининг вожиб бўлиши, жангларда қатнашиш, оила номининг унга нисбат берилиши дея шарҳланган. Шу сабабли, тасаввуф адабиётида эр ва эранлар ҳам жисмонан, ҳам маънан мукаммал кишилар сифатида тавсифланади:

Улдур эрким салб этиб нафсоният,
Ғолиб этгай зотиға руҳоният.
Ҳар кишида бу шараф биззот эрур,
Ул киши поку шариф авқот эрур [5;144].

Эр, эран Аллоҳ одами, қаҳрамон, тажрибали киши, шайх, валий, муршид маъноларида ҳам қўлланиб, улар Яратганнинг дўстлари, инсонларга раҳбарлик қила оладиган фидокор ва жўмард зотлардир. XI асрдан кейин, асосан, сайри сулукда муддаога етган, талаб аҳли учун орзу қилинган мақомга эришган, Ҳаққа етиб, халққа қайтган раҳнамога нисбатан эр ёки эран сифати берилган:

Erelinialdinisa, ere gonulverdinise?
Ikrarilegeldinise pes ere inkargerekmez.
Hak ere benimdedi, varliginer’dekodi,
Eren lerinhimme tiyerdengoge direktir [13;356].

Эр – бу дунё ҳавасларидан руҳини озод қилган валий, унинг ҳеч бир сўзи ва амалида заррача хатолик йўқ. Эр ва эран Ҳақ сифатлари қатрасидан баҳрамандлик мақомига етган авлиёлардир. Улар қалбида ҳуррият, эрк ва озодлик шукуҳи бўй кўрсатиб туради. Устоз адабиётшунос И.Ҳаққулов эр лафзининг эрк сўзидан туғилганини, эркдан маҳрум, ҳурликдан йироқ кимсаларни озод шахс деб бўлмаганидек, илоҳий туйғу ва лаёқатдан бенасиб бандаларни эранлар гуруҳига кўшиб бўлмаслигини таъкидлайди [10]. Тўғри, эр сўзининг эрк тушунчасига боғлиқлиги хусусида ҳеч бир маълумот йўқ, аммо ирфоний адабиётда эрнинг ҳурлиги алоҳида эътироф этилади. Аҳмад Яссавий бу ҳақда шундай дейди: “Эр – ул турур, қулман тею қуллуқ қилса, Қўркуб Қаҳҳор отидин ул фармон тутса” [7]. Аслида, ҳақиқий ҳурлик, маънавий озодлик Аллоҳга қулликдир. Бундай инсонлар бошқаларга муте бўлмайди, қарамлик ва қўрқоқликдан, ёлғон, риёкорлик ва мунофиқликдан йироқ бўлади. Яъни:

Аллоҳ ёди ошиқлардин холи эрмас,
Ҳақиқатлар бу дунёға майл қилмас.
Чин эранлар бу дунёга ҳаргиз қулмас,
Ман тақи бу дунёни қўйғум келур [2;333].

Эрлар табиатан кучли жинс вакиллари, энг қийин ишлар уларнинг чекига тушган: оила таъминоти, юрт ҳимояси, давлат ҳукмронлиги ва бошқалар. Халқ ана шундай танти ва мард эрларга эргашган. Кундалик турмушимизда “Эрнинг сўзи – элнинг сўзи”, “Эр бўл, эр бўлмасанг, қора ер бўл” сингари халқ мақолларининг кенг ишлатилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Адабиётда юксак ахлоқли инсонларга эр, эран дейилишига бир сабаб ҳам ана шу. Бу истилоҳ асл туркий сўз бўлиб, бадиий адабиётда руҳ озодлигига эришган, комиллик сифатларини ўзида жамлаган валий зотларинг умумий номи бўлиб келган. Энг асосийси, эр, эран номи ҳалоллик, мардонаворлик, тўғрилик тушунчалари билан ёнма-ён тилга олинган.

Тасаввуфнинг энг муҳим маслакларидан бўлган футувват ахлоқи эрликнинг асл моҳиятини белгилаб беради. Маълумки, футувватнинг луғавий маъноси йигитлик, мардлик, саховат бўлиб, футувват йўли мардлик йўли ҳам дейилади. Футувват ҳақидаги илк назарий қўлланма муаллифи Абдураҳмон Суламийга кўра, футувват истилоҳ сифатида Аллоҳнинг амрларига

бўйсунмоқ, гўзал ибодат қилмоқ, ҳар қандай ёмонликларни тарк этиш, зоҳирий ва ботиний ахлоқнинг энг гўзалига амал қилиш сингари маъноларни англатади. Зотан, бу маслакдагилар халқ озоридан кўз юмадиган, бошига мушкулот тушганларга ёрдам берадиган, ор-номуси ҳамда шарафини асраш учун жонини ҳам аямайдиган инсонлар бўлишган. Эр, эран образининг характер хусусияти айнан жавонмардлар билан жуда ўхшашдир. “Қутадғу билиг” достонидаги эрлар тасвири фикримизни қувватлайди:

Эр ул эр турур кор кишилар осра,
Йурыбтил кодэзсэ бу бўлса тор-э.
Ириг созкэ йумшақ йанут қылса оз,
Ачығ созлэсэлэр сучиг тутса соз.
Киши йуки йудсэ йудурмэсэ йук,
Жафа қылсалар бу вафа қылса шук.
Конулдэ кэтэрсэ кор оч кеглэрин,

Тилида йурытса конулдэ барын [11;532].

Яъни, шундай одамлар эр дейиладики, кишилар орасида тилига эҳтиёт бўлади, дағал сўзга юмшоқ жавоб қилади, унга аччиқ сўзласалар, у юмшоқ гапиради, кишиларнинг оғирини енгил қилади, ўзининг юкини ҳеч кимга юкламайди. Унга жафо қилсалар, вафо қилади, кўнглида борини сўзлайди, ҳеч қачон кина-адоват сақламайди (изоҳ: эр, эранларнинг жўмард инсон маъносида келиши кейинги давр адабиётида ҳам яққол кўзга ташланади). Маълумки, Сўфи Оллоёр асарларида эр, эран номи алоҳида эҳтиром билан эсга олинган. Сўфий шоир ижодида сўфийлар, шайху авлиёлар, ҳатто пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) алайҳиссалом ҳам эр деб аталган. Умумий олганда, Сўфи Оллоёрга кўра, эр, эран комил инсон номидир. Сабот ул-ожизин” асарининг “Жувонмардлик нишони” бобида эрлик асли мардлик эканлиги айтилар экан, футувват соҳиблари тўғридан-тўғри эр деб аталади:

Кел, э инсон, агар бўлсанг чин эрдек,
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.
Агар тепса сани ҳар қайси мавжуд,
Зиён қилма, тақи еткур анга суд.

Бир қарашда эрларнинг ҳар қандай зиён-заҳматга сабр қилиши уларнинг мардлик, жасоратдаги кўринишларига номутаносибдек кўринади. Бироқ эрлар тоқати хослар хоси сабридирки, бу мақомда улар ғазабни қўзғайдиган ҳодисаларда ҳам маҳкам тура олади, ҳар қандай кўргуликни Яратганнинг неъмати, деб билади. Эрларнинг бу ҳолати қуйидаги ҳадисга муайян келади: “Расулуллоҳ(с.а.в.): Одамларга аралашиб, уларнинг озорларига сабр қилган мусулмон одамларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир, дедилар” (Термизий ривоят қилган). Эр, эранларнинг сабр-қаноати, инсонларга беминнат хизмати уларнинг энг асосий хислатларидан бири бўлиб келган. Мазкур амал уларнинг жавонмардлик маслагида қатъий эканликларининг яна бир белгисидир. XX аср шеъриятида ҳам уларнинг шу хислатига ҳамоҳанг фазилатлар баён қилинган. Эр бутун мавжудотларга яхшилик қилувчи, энг асосийси, бу хизматига асло миннат номли иллатни қўшмайдиган марддир.

Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов ҳам эр, эраннинг фатийлигини тасдиқлаган ҳолда, уларга шундай таъриф беради: “Жавонмардлар орасида қўлланадиган мард, жўмард, валломат, сахий, бокарам, азамат сўзлари сўфийлар орасида юрадиган эран, эр, мард сўзларининг юксак маънолари билан яна ҳам бойиди. Чунки сўфийлар эран, мард деганда ўзликдан воз кечиш, шайтоний нафсни буткул маҳв этишни назарда тутадилар” [4;121]. Маълумки, футувват маломатийлик тариқатининг асос манбаи ҳисобланади. Маломатийларнинг тўғриликка хилоф иш қилмаслиги, манманликдан бутунлай йироқлиги, бирор жонзотга озор етказмаслиги айнан футувват ахлоқидир. А.Гулпинорли ҳам маломат ва

футувват асосининг бир эканлигини қайд этар экан, иккала маслак аҳлини эр деб атайди: “Футувватда мурувват, яъни эрлик ва одамийлик доимо баробар эъзозланган. Уларга кўра, маломат аҳли айни замонда эрдир, йигитдир ва бутун инсондир” [12;172]. Тасаввуфга оид луғатларда маломийларнинг “Хуросон эрлари”, “Хуросон эранлари” деб аталгани ҳам маълумот ўрнида келтирилган [14;178]. Бунга сабаб қилиб маломийларнинг асли хуросонлик бўлгани кўрсатилади. Умуман, эр, эран номи сўфийлик адабиётида энг муҳим образлардан ҳисобланади. Улардаги жасорат, ғайрат, шижоат, тўғрилик, ростгўйлик каби олий сифатлар тасаввуф адабиёти намуналарида янада ёрқин акс этади. Эр, эран образи, энг аввало, етук шахс, инсони комилларнинг номидир. Эрлик “жинсданда олий ва беқиёс иродий иқтидор” [10]дир.

Алалхусус, ўзбек адабиёти тарихида ижод аҳли халқ қаҳрамонлари, қадрли инсонларига шу ном билан нисбат бердилар, дин уламолари ҳамда тариқат аҳлини умумий маънода Эран деб атадилар. Айниқса, тариқатга кирган, манзилга қатъ қилган, нафсоний истаклардан бирмунча фориғ бўлган азиз зотлар бу ном билан шарафланди. Сўфий шоир Юнус Эмро эрларни улуғлаб, “Шайху донишманду валий, жумласи бирдир, эр йўли” дер экан, туркий адабиётдаги мазкур образ моҳиятини қисқа ва аниқ ифода этди. Дарҳақиқат, мумтоз меросда бу қадар ихлос ва меҳр-муҳаббат билан эъзозланган образлар жуда кам.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳмонов А. Туркий адабиётнинг қадимги даври. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 375 б.
2. Боқирғоний, Сулаймон. Ҳикматлар /Нашрга тайёрловчилар Тожи Қораев, Абул Бозоров. – Тошкент: Фан, 2010. – 428 б.
3. Кенин-Лопсон М.Б. Обрядовая практика и фольклор Тувинского шаманства. – Новосибирск: Наука, 1987. – 265 с.
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 448 б.
5. Навоий, Алишер. Лисон ут-тайр. ТАТ. 9-том. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2013. – 768 б.
6. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 160 б.
7. Яссавий, Аҳмад. Девони ҳикмат. – Тошкент: Наврўз, 2018. – 360 б.
8. Кошғарий М. Девону луғатит- турк. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – 499 б.
9. Ҳаққул И. Навоий ижодида Эр ва Эран образи. //Ўзбек тили ва адабиёти, 2019. – № 1.
10. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 184 б.
11. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг./ Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. Масъул муҳаррир С.Муталлибов, Ш.Шукуров. – Тошкент, 1971. – 965 б.
12. Gölpınarlı A. Melamilikve Melamiler. – Istanbul: Istanbul Devlet Matbaası,1931, S. 564.
13. Golpinarli A.YunusEmrehayativebutunsiirleri. -Istanbul: Turkiyebankasi, 1961. S. 706.
14. Cebecioğlü A. Tasavvuf terimleri ve deyımleri sözlügü. İstanbul, 2005. – S.381.
15. Inan A. Eskiturkdinitarihi. Millet Egitimbasimevi. - Istanbul, 1976. S. 301.
16. Сеjидов М. Азэрбајчан мифик тэфэккурунун гајнаглары. Бакы: Јазычы, 1983. – С.326.

O'zbekiston Milliy axborot agentligi